

# Ўтилган мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун

## БЛИЦ САВОЛЛАР:

1. Ер ҳуқуқи манбаси тушунчаси нимани англатади?
2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси нимани англатади?
3. Ер ҳуқуқи манбалари қандай талабларга жавоб бериши керак?
4. Ер ҳуқуқи манбалари мазмун-мохиятидан келиб чиқиб қандай гуруҳларга бўлинади?

**2-Мавзу.2-маъруза**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ҚОНУНЛАРИ ЕР**  
**ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ СИФАТИДА**

**РЕЖА:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси сифатида;**
- 2.Ўзбекистон Республикаси ер ҳуқуқининг асосий манбалари сифатида.**

# Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси модели

Талабалар сони 96	2-Мавзу, 2-маъруза 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	1.Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси сифатида. 2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ер ҳуқуқининг асосий манбалари сифатида.
Машғулотнинг мақсади:	<b>Ўзбекистон Республикасининг конституцияси қонунлари ер ҳуқуқининг манбаси сифатида</b>
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
1.Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси эканлиги тўғрисида тушунча беради. 2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ер ҳуқуқининг асосий манбалари эканлиги тўғрисида тушунчани беради.	1.Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси эканлиги тўғрисида тасавур шаклланади.. 2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ер ҳуқуқининг асосий манбалари эканлиги тўғрисида тасавур шаклланади..
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, слайдлар
Ўқитиш шакли	жамоавий
Ўқитиш шарт-шароити Мониторинг баҳолаш	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория блиц сўров

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

# МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

## Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law: Text, Cases, and Materials.** OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи.** Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан.** Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи.** Ўқув қўлланма.– Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право.** Учебное пособие – Т.: “Ислон Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.** Т.: ТДЮИ, 2006.-117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi, O'quv qo'llanma.** -Т.: TIMI, 2016.- 196 б
8. **Земельное право:** Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

## Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси** , Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикасининг **конуни** “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”


## Интернет ресурслари

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

**Қонунчиликда норматив ҳуқуқий ҳужжат тушунчасига қандай таъриф берилган?**

“Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ЎЗр қонунининг 2-моддаси

**Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади**



## **НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
палаталарининг қарорлари
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
фармонлари;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
қарорлари;
- 6) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
ҳужжатлари;
- 7) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг  
қарорлари.



**Нима сабадан Ўзбекистон Республикаси конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланади?**

Асосий Қонунимиз Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ерга оид муносабатларни тартибга солувчи махсус қоида-талаблар ҳам белгиланган бўлиб, ер ҳуқуқи манбаларининг пойдеворини ташкил этади. Асосий қонунимизнинг **36,50, 54, 55 ва 100-моддалари**да табиатни муҳофаза қилиш, мавжуд табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ерга оид ҳуқуқий қоида-талаблар мустаҳкамлангандир.

**Нима сабадан Ўзбекистон Республикаси конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланади?**

Конституциянинг **36-моддасида** “**Хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли**”, **50-моддасида** “**Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар**” – деб, мустаҳкамланган бўлиб, атроф табиий муҳитнинг асосий ажралмас қисми ҳисобланган ер ресурсларига нисбатан фуқароларнинг ерга оид мажбуриятларини белгилайди. “**Жамиятнинг иқтисодий негизлари**” – деб, номланган **XII-боб**да, республика ҳаётининг иқтисодий асослари, яъни мулкчилик масалалари, хўжалик юритиш ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари белгиланиб, ҳозирги пайтда бозор муносабатларини ривожлантириш амалга оширилаётган ислохатларни чуқурлаштиришда аҳамияти беқиёсдир. Жумладан ушбу бобнинг **54-моддасида** “**мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт**” деб белгиланган.

**Нима сабабдан Ўзбекистон Республикацияси конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланади?**

Конституциянинг **55-моддасида** “**Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир**” деб, ифодаланган бўлиб, давлатнинг ерга доир сиёсатининг асосий тамойилларини ўз ичига олади. Асосий қонунимизнинг XXV-бобида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Ушбу бобнинг **100-моддасида** маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида - **атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби масъулияти эътироф этилган бўлиб, ўз навбатида вилоят, шаҳар, туман ҳокимият ва бошқарув органларининг ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдек масъулиятни белгилайди.** Конституциядаги қоида-талаблар ерга доир ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги асосий тамойилларни мустаҳкамлайди. Ушбу конституциявий тамойиллар асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва унинг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун, фармон, қарор, низомлар каби норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади

**Норматив ҳуқуқий ҳужжат сифатида қонунга  
қандай таъриф берилган?**

“Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар  
тўғрисида” ЎЗр қонунининг  
8-моддаси

**Олий ваколатли давлат ҳокимият органи  
томонидан махсус тартибда қабул қилиниб  
жамиятдаги энг муҳим ижтимоий  
муносабатларни тартибга солишга  
қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат  
қонун деб юритилади**

## Ўзбекистон Республикасининг қонунларининг ер ҳуқуқининг манбаси сифатида таснифи

- Ҳозирги кунда ерга оид сиёсатини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари мураккаб тизимга эга бўлиб, ер-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги ўрнига қараб уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:



# Ўзбекистон Республикасининг умумий аҳамиятдаги қонунлари таснифи

Давлатнинг ерга оид сиёсатни белгилашда иштирок этадиган **умумий**

**аҳамиятдаги** қонунларга қуйидагилар мисол бўла олади:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ( 1996 йил 29 август);
- Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (1992 йил 9 декабр);
- Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (2004 йил 9 декабр);
- Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Ўрмон тўғрисида» (1999 йил 15 апрел) ва бошқ.

**Умумий  
аҳамиятдаги  
қонунларнинг  
роли  
нималарда  
намоён  
бўлади?**

**биринчидан**, улар ерга оид сиёсатнинг умумий йўналишларини белгилашда хизмат қилади

**иккинчидан**, ерлардан фойдаланиш ва айниқса уларни муҳофаза қилишда ернинг экологик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлган қоида-талабларни мустахкамлайди

# Ўзбекистон Республикасининг махсус аҳамиятдаги қонунлари таснифи

Ер ҳуқуқидаги **махсус аҳамиятдаги** Ўзбекистон Республикаси қонунларига қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (1998 йил 30 апрел);
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида» (1998 йил 28 август) ва бошқ.

**Махсус аҳамиятдаги қонунларнинг роли нималарда намоён бўлади?**

Ушбу қонунларда ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, объект ва субъектлари, ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, ерга доир қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чора тадбирлари каби ер-ҳуқуқий қоида талаблари белгилангандир. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ерга оид муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинган бўлиб, ер ҳуқуқининг махсус манбаси сифатида эътироф этилади.

# Ўзбекистон Республикасининг мухофаза аҳамиятдаги қонунлари таснифи

Мухофаза аҳамиятидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси (1994 йил 22 сентябр);
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябр);
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996 йил 29 август);
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2007 йил декабр);
5. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси (1995 21 декабр).

**Мухофаза аҳамиятдаги қонунларнинг роли нималарда намоён бўлади?**

Ушбу қонун ҳужжатлари ҳам ерга доир қоида талабларни белгилаган ҳолда ер ҳуқуқидаги махсус қоида-талаблар билан боғлиқ равишда ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш, ердан фойдаланганлик учун солиқ ва турли тўловларни тўлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солади.



## **ЎТИЛГАН МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

- 1. Нима сабабдан конституция ер ҳуқуқининг бош манбаси ҳисобланади?**
- 2. Нима сабабдан қонунлар ер ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланади?**
- 3. “Қонун” ва “кодекс” тушунчалари бир биридан нимаси билан фарқ қилади ?**
- 4. Ўзбекистон республикаси қонунлари қандай таснифланади?**

**Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва Ўзбекистон  
Республикасининг ерга оид қонунларини ер ҳуқуқининг манбалари  
сифатида ўрганиш учун мазмуни билан танишиш**

